SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son 12/1
2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 12/1 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

***МУНДАРИЖА***

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) ........ 12-18

*Qitaybekov Azizbek Kenesbek oʻgʻli*
QORAQALPOGʻISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA “DOBROLET” AKSIYADORLIK JAMIYATINING OʻRNI ........ 19-23

*Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna*
QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG’LIQ BA’ZI MAROSIMLAR ........ 24-29

*Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли*
МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ........ 30-35

*Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich*
TOʻDA-1 NEOLIT MAKONINING O’ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI O’RGANISHDAGI O’RNI ........ 36-40

*Olimjonova Gulida Olimjon qizi*
OʻZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI .. 41-47

*Oʻngʻalov Lazizbek Amiriddin oʻgʻli*
NUROTA TOGʻ TIZMASINING TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING OʻRGANILISH TARIXI.. 48-53

*Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich*
MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY OʻZBEKISTON MISOLIDA) ........ 54-58

*Tilavboyev Muhammad*
JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOGʻLIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR ........ 59-63

*Toʻxtaboyev Xurmatullo Shomirza oʻgʻli*
OʻZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARGʻONA DAVLAT UNIVERSITETINING OʻRNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) ........ 64-68

*Рахматиллаев Хасанбой*
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР ........ 69-74

*Qurbonova Manzila Boqiyevna*
BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI ........ 75-80

*Ravshanova Gulora*
QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA’MINOTI (XX-asrning 20-yillarida) ........ 81-85

*Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОЛҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ........ 86-90

*Baxronov Abdullo Haydar oʻgli*
OʻZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINI OʻRGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING OʻRNI ........ 91-95

*Maxmatqulov Jasur Isroil oʻg'li*
GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI ........ 96-101

*Esanova Nilufar*
OʻZBEKISTON–TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TOʻQIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) ........ 102-106

*Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли*
АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50–80-ЙИЛЛАРИ) ........ 107-111

*Эсонов Зиёдбек Юлдашевич*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ ........ 112-117

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA OʻZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 118-124

*Toʻxtamisheva Fotima Musurmonovna*
MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADOʻZLIGIDA OʻZGARISHLAR ........ 125-132

*Sattorov Nurbek*
SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING OʻZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI ........ 133-138

*Hazratov Nurali Burxon ugʻli*
QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXEOLOGIK YODGORLIKLARINING OʻRGANILISH TARIXIDAN ........ 139-144

*Mamatqulov Bekzod Sherozovich*
OʻZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA) ........ 145-149

*Berdiyev Jamshid*
VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN OʻRNI ........ 150-155

*Djurakulov Sherzod Davronovich*
SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXEOLOGIYASINING O’RGANILISHI TARIXI ........ 156-161

*Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна*
ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ ........ 162-172

*Зухриддин Болтаевич Жунаев*
ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) ........ 173-181

*Mamadiev Boxodir Bobojonivich*
QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON ........ 182-186

*Norqo‘chqarov Xushvaqt Eshnazarovich*
AFG‘ONISTONDA O‘ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O‘ZBEKLAR IJTIMOIY-MADANIY HAYOTIDAGI O‘RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) ........ 187-197

*Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич*
ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ ........ 198-203

*Азаматова Гулмира Байирбековна*
ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР ........ 204-208

*Tishabayeva Irodaxon Rasulovna*
1960-1970 YILLARDA O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI ........ 209-215

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Ostonokulov Azamat Abdukarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo‘min o‘g’li*
DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI ........ 216-226

*Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich*
O‘ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI ........ 227-232

*Отабеков Отажон Ғайрат ўғли*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 233-243

*Шакирова Фароғат Болтаевна*
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 244-255

*Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич*
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 256-263

*Jumaniyazova Ro‘za Quvondiq qizi*
TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 264-269

*Matniyozov Murodjon Rajabbayevich*
DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQISHINING AHAMIYATI ........ 270-278

*Хамидова Зарифа Урол қизи*
ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 279-291

*Toshaliyeva Saodat Toxirovna*
KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI .... 292-296

*Худойназаров Фахритдин Хаитович*
ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ ........ 297-304

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 305-313

*Кадырова Шарофат Амоновна*
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ .... 314-323

*Бегматова Зиёда Захиджановна*
ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ ........ 324-332

*Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich*
TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS ........ 333-340

*Masharipova Fazilat Axmedovna*
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI ........ 341-348

*Мусинов Дилшод Султанович*
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНИНГИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА ........ 349-359

*Шакирова Юлдуз Сайдалиевна*
ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ ........ 360-368

*Абдивохидов Мамуржон Авазхон ўғли*
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 369-380

*To'xtasinova Mихаyyo Mirzasultonovna*
DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA ........ 381-388

*Курбанова Рахима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна*
РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 389-403

*Набиева Нилуфар Муратовна*
ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ ........ 404-416

*Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich*
KAMBAGʻALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEXANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI ....................417-428

*Sharipova Zulayho*
SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOʻLLARI ....................429-434

*Шарипов Акбар Илхамович*
ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ ....................435-440

*Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич*
ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ .441-447

*Xamzayeva Dilfuza Samarovna*
SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI ....................448-452

*Усманова Насиба Акбаржоновна*
ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ ....................453-459

*Исхакова Сарвар Аюбовна*
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ....................460-467

*Ollanazarov Bekmurod Davlatmuratovich*
INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QOʻLLASH IMKONIYATLARI ....................468-479

*Toʻychiyeva Nodira Gʻulom qizi*
OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN’IY INTELLEKT ....................480-485

*Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ....................486-494

*Maxsudov Sherzod Solijonovich*
TOʻQIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI ....................495-500

*Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna*
ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES ....................501-506

*Radjabova Malika Ziyodullayevna*
AHOLI BANDLIGINI TA’MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA ....................507-512

## ***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Asraqulova Adiba Nabiyevna*
ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR ....................................................513-520

*Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич*
ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ....................................................521-530

*Гуламова Мавжуда Ташпулатовна*
АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ....................................................531-538

*Abduxolikova Nasiba Alijonovna*
YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIY SALBIY OMILLAR ....................................................539-544

*Yazdonov Zikirillo Shukurilloyevich*
QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI ....................................................545-552

*Sharipova Barno Salimovna*
BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI ....................................................553-558

*Xalikulova Umida Rustamovna*
AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR ....................................................559-564

*Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida*
OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI ....................................................565-571

*Tog'ayev Nodirjon Ergashevich*
AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI ....................................................572-576

*Kipchoqov Xomidjon Gulomovich*
JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA ....................................................577-581

*Raximova Rayxon Abdurasulovna*
ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI ....................................................582-586

*Агзамова Нилюфар Шухратовна*
"АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ ....................................................587-591

*Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich*
INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA ....................................................592-596

*Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li*
DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI ....................................................597-603

*Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna*
GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O‘ZGARISHLARNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ........ 604-609

*Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi*
O‘ZBEKISTONDA OLIY TA’LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI ........ 610-615

*Tagayev Ganisher Xasanovich*
YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIIY-ESTETIK OMILLARNING O‘RNI ........ 616-625

*Шоназаров Жамшид Шуҳратович*
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ ........ 626-630

*Ҳамраев Сирож Абруевич*
ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ ........ 631-637

*Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich*
MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG‘IBOT TEXNOLOGIYALARI: O‘ZBEKISTON VA XORIJ TAJRIBASI ........ 638-642

*Hashimova Gulsina Ismoyilovna*
HARBIY IJTIMOIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA’MINLASHDAGI ROLI ........ 643-648

*Karimova Gulnoza Yigitaliyevna*
AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURIYATI ........ 649-655

*Sharipova Kamola Usmonjonovna*
YANGI O‘ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA’MINLASH BO’YICHA ILG‘OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI ........ 656-661

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№12/1(3)-2023. ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

*08.00.00- Иқтисодиёт фанлари*

**Абдураҳимова Саида Аҳмаджановна,**
Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор в.б.,
a.a.saida@mail.ru

**Адилова Гўзал Абзаловна,**
Иқтисодиёт фанлари номзоди, Тошкент халқаро
молиявий бошқарув ва технологиялар университети
adilova_guzal@mail.ru

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кичик бизнес субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган бўлиб.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, миллий иқтисодиёт, инвестиция, бозор конъюнктураси, бозор талаби, хизмат кўрсатиш соҳалари, молия-кредит, биржа фаолияти, телекоммуникация, макроэкономика, рақобатдош, транспорт-логистика хизмати, ишбилармонлик муҳити.

**Abdurakhimova Saida Akhmadjanovna,**
Doctor of Economics (DSc), Associate Professor,

**Adilova Guzal Abzalovna,**
Candidate of Economic Sciences, Tashkent International
University of Financial Management and Technology

# ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF CONSTITUENT SMALL BUSINESSES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Abstract.** The development of the activities of small businesses is one of the most important priorities of economic reforms being implemented in Uzbekistan. The article, in the regulatory documents adopted in the Republic of Uzbekistan, reflects measures aimed at creating broader conditions for small businesses, ensuring their free activity and deepening ongoing reforms and liberalization.

**Keywords:** small business, private entrepreneurship, national economy, investment, market conditions, market demand, service sector, finance and credit, exchange activities, telecommunications, macroeconomics, competition, transport and logistics services, business environment.

**Абдурахимова Саида Ахмаджановна,**
Доктор экономических наук (DSc), и.о. профессора,

**Адилова Гузаль Абзаловна,**
Кандидат экономических наук, Университет Ташкентского
международного финансового управления и технологий

# АНАЛИЗ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СОСТАВЛЯЮЩИХ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация.** Развитие деятельности субъектов малого предпринима-тельства является одним из важнейших приоритетов реализуемых в Узбекистане экономических реформ. В статье в нормативно-правовых документах, принятых в Республике Узбекистан, отражены меры, направленные на создание более широких условий для субъектов малого предпринимательства, обеспечение их свободной деятельности и углубление проводимых реформ и либерализации.

**Ключевые слова:** малый бизнес, частное предпринимательство, национальная экономика, инвестиция, рыночные условия, рыночный спрос, сфера услуг, финансы и кредит, биржевая деятельность, телекоммуникация, макроэкономика, конкуренция, транспортно-логистический сервис, бизнес-среда.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N65

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожлантиришда кичик бизнес субъектлари фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Хусусан, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида «III. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш[1]»дек устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни тадбиқ этиш шу кундаги ислоҳот-ларимизнинг мазмунини касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири – кичик бизнес субъектлари тараққиётини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп ва йирик маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий беқарорлик ва ресурслар чегараланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар бозор

талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Мавзуга оид адабиётлар шарҳини ўрганиш жараёнида бир нечта хорижий ва ўзбек иқтисодчи олимлари томонидан кичик бизнеснинг мазмун-моҳияти, кичик бизнес субъектлари таркибий қисмларининг барқарор ривожланиши бўйича фикр ва мулоҳазалари ўрганилди. Жумладан: А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Ландстром, Б.Ф.Хоселитс ва бошқаларнинг илмий асарларида кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш йўлларига доир мулоҳазаларда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг умумий жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, А.А.Хаджимуратов, С.К.Салаев кабиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Хусусан, А.Комов «Кичик бизнес субъектлари – бу иқтисодиётнинг йирик таркибий қисми бўлиб, у турли ишлаб чиқариш соҳаларини ўхшаш тавсифлар, иқтисодий мақсадлар, функциялари орқали бирлаштиради ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан иқтисодиётни бошқа қисмларидан фарқ қилади» – деб таъкидлайди [10; 8-бет]. А.Г.Аганбегян эса, «Кичик бизнес субъектлари – бу иқтисодиётнинг моддий-буюм маҳсулот-ларини ишлаб чиқарувчи, номоддий бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларидир [11;6-бет].

Реал секторга молия-кредит, биржа фаолияти киритилмайди» – деган фикрни билдирган. В.М.Власовой ўз тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда «Кичик бизнес субъектлари капитални спекулятив ҳаракатини истисно қилган ҳолда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш ва иқтисодий ўсиш жараёнларини бирлаштирадиган хўжалик юритувчи субъектдир»– деб таърифлайди [13; 192-бет].

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари – тижоратга асосланган серияли ва йирик миқдорда маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчи, жумладан, бино ва иншоотларни қуриш, алоқа, телекоммуникация, транспорт хизматини амалга оширувчи кичик ва ўрта корхоналар йиғиндиси эканини ҳам айтиб ўтиш лозим [13; 10-11бетлар].

Тадқиқотнинг методологик асосини статистика фанининг фундаментал қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва услубиётларни кенг жорий этиш йўли билан, статистик кузатувлар тизимини умумқабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш ташкил этади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади.

**Натижалар ва муҳокама.** Бозор иқтисодиёти ҳар бир ишлаб чиқарувчи субъектдан бозорда муносиб ўрин эгаллашни талаб этади. Бу ўринда иқтисодиёт тармоқларидаги техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш ҳақида бормоқда. Маълумки, кичик бизнес субъектлари бозорга турли-туман товарларни етказиб

беришда доимо бозордаги талабни ўрганиб борадиган ҳамда истеъмолчилар талаби ва рақобатдош корхоналарни ўрганган ҳолда фойда олиш мақсадида фаолият юритадилар.

Кичик бизнес субъектларида ЯИМнинг асосий қисми яратилади, хусусан 2022 йилда 51,8 фоизни ташкил этган ва унинг моддий ишлаб чиқарувчи энг муҳим таркибий қисми қурилиш ва аҳоли бандлиги соҳасига тўғри келиб мос равишда 71,6 фоиз ва 74,4 фоизга етди.

Бу эса, ўз навбатида, таълим, тиббиёт, маданият соҳалари ривожи учун молиявий-моддий асос яратади. Иқтисодиётни барқарор ривожланиши мамлакатда моддий ишлаб чиқариш соҳалари учун яратилган ҳуқуқий-меърий шароит билан узвий боғлиқдир.

Кичик бизнес янги иш ўринларини яратишга, аҳолини иш билан таъминлашга ҳисса қўшади, натижада ишсизлик камаяди. Шуни таъкидлаш лозимки, кичик бизнес аҳолининг ижтимоий жиҳатдан беқарор қатламларини, хусусан, ҳотин-қизларни, ёшларни, иммигрантларни ва бошқаларни иш билан таъминлайди, айнан шу корхоналарда улар тажриба, билим, малака, кўникма, мартабасининг юқорилашига ва ўзини-ўзи англашга эришадилар (1-расм).

**Кичик бизнес ривожланишининг миллий иқтисодиётдаги**

Кичик бизнес ички ва ташқи бозорларни тўлдиришга, товар ҳамда хизматларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, тез мослашувчанлигига имкон

Кичик фирмаларнинг яратилиши катта сармояларни ва уларнинг ташкил этишнинг узоқ муддатини талаб қилмайди ҳамда истеъмолчилар талабига тезроқ жавоб беради.

Кичик бизнесни ривожлантириш – бу монополияга қарши сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири ва рақобат муҳитини таъминлаш.

Кичик бизнесни бошқариш осонроқ, уларга мураккаб бошқарув тузилмаларини яратиш керак эмас.

Кичик бизнеснинг ривожланиши ишсизлик муаммосини асосан ҳал қилишга ёки юмшатишга имкон беради.

Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётни барқарорлаштиришга, мамлакатда бошланғич тартибни ўрнатишга, ўрта ва кичик мулкдорлар синфини пайдо бўлишига олиб келади.

**1-расм. Кичик бизнеснинг ривожланишининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти**

Кичик бизнеснинг ривожланиши миллий иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар янги технологияни тезроқ ва арзонроқ тарзда қайта жиҳозлаши, татбиқ этиши, синовдан ўтказиши, ишлаб чиқаришни қисман ёки тўлиқ автоматлаштиришни амалга ошириши, автоматлаштирилган ва қўл меҳнатининг мақбул комбинациясига эришишини таъминлайди ҳамда замонавий шароитда, кичик бизнесни шакллантириш жараёни бошланғич босқичида бўлганида, унинг миқдорий ва сифат жиҳатидан янада ривожланиши миллий иқтисодиётнинг изчил юксалишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Унинг барча афзалликларига қарамай, енгиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжуд. Тадқиқот натижасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

- банк муассасаларидан айтилган муддатларда кредит ажратилмаганлиги;
- фаолиятни амалга ошириш жойларида ижара шартномалари асоссиз бекор бўлиши;
- ер майдони ажратилмаганлиги;
- ҳудудларда инфратузилмаларни фаолияти қониқарсизлиги;
- аҳолига кадастр хизмати кўрсатиш бекор қилинганлиги;
- электр тармоқларига уланишда кичик корхоналарга ҳам йирик заводлар билан бир хил талаблар қўйилганлиги;
- транспорт-логистика хизматларини ривожланмаганлиги;
- корхонанинг ер майдонлари ва бино иншоатлари суд қарори асосида олинганлиги шулар жумласидандир.

Кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, аммо давлат кўмагисиз кичик бизнес таназзулга учраши мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2022 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тармоқлардаги улуши, %**

| Тармоқлар | 2010 й. | 2015 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. | 2022 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат | 26,6 | 40,6 | 27,9 | 27,0 | 25,9 | - 0,7 |
| Қурилиш | 52,5 | 66,7 | 72,5 | 72,4 | 72,6 | 20,1 |
| Бандлик | 74,3 | 77,9 | 74,5 | 74,4 | 74,4 | 0,1 |
| Экспорт | 13,7 | 27,0 | 20,5 | 22,3 | 29,5 | 15,8 |
| Импорт | 35,8 | 44,5 | 51,7 | 48,7 | 49,4 | 13,6 |

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларининг тармоқлар бўйича энг юқори улуши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, 2010 йилга нисбатан 0,1 фоизга ошган, 2022 йилги дастлабки маълумотларга асосан жами иқтисодиётда бандлар сонини 74,4 фоизни ташкил этди. Иккинчи ўринда, 2022 йилда 2010 йилга нисбатан 20,1 фоизга ошиб 72,6 фоиз (2010 йилда 52,5%) қурилиш тармоғида, учинчи ўринда импорт айланмасида 49,4 фоиз (2010 йилда 35,8%)га тенг бўлган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт ҳажмида ҳам ўзига хос улушга эга, 2022 йилда бу кўрсаткич 29,5 фоизга тенг эканлигини кўриш мумкин.

Ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотидаги кичик ва ўрта бизнеснинг улушини таққослайдиган бўлсак, уларда 50-60 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Польшада – 51%, Германияда – 53%, Финляндияда – 60%, Голландияда – 63%га тенг.

Дунёда ишбилармонлик муҳити ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири бу – Жаҳон банкининг Doing Business ҳисоботи бўлиб, у дунёнинг 190 мамлакатида 10 кўрсаткич бўйича бизнес юритиш қулайлигини баҳолайдиган энг нуфузли, тан олинган ва энг кўп келтирилган тадқиқот ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу рейтингдаги мавқеи нафақат қулай ишбилармонлик муҳитини акс эттиради, балки халқаро бизнес ҳамжамиятида инвестиция қарорларини қабул қилишнинг муҳим мезони ҳамдир.

Аммо ушбу йўналишда иқтисодий салоҳият ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланяпмиз, деб айта олмаймиз. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудий экспортида, асосан, вилоят марказларининг улуши юқорилигини кузатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, барча ҳудудларда кичик бизнес субъектлари томонидан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш учун яратилган шарт-шароитлар ҳали етарли эмаслигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда иқтисодиётимизда кичик бизнес субъектларининг улушини ортириш учун, соҳага оид мавжуд қонунчилик ҳамда яратилган шароит ва имкониятларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотлар кўра, экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратишга алоҳида эътибор қаратиш натижасида иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти юксалди, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришилди, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича механизмнинг такомиллаштирилиши натижасида мамлакатимизнинг халқаро ҳамда маҳаллий кўргазмаларда фаол иштирок этиши таъминланди. Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- кичик бизнес субъектлари ходимларини фаол маркетинг сиёсатини юргизишда замонавий маркетинг тадқиқот усулларини эгаллашга амалий ёрдам кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқиарилган маҳсулот (хизмат)лар сифатини ошириш;
- ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан кенгроқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технология ва техникаларни жалб этиш асосида маҳсулот таннархини камайтириш.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яратилган барча имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда кичик бизнес субъекларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеини янада ошириш, миллий иқтисодиётда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, самарадорликни ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари, турмуш фаровонлигини юксалтириш, кичик бизнес корхоналарини кооперацион алоқаларини фаол ривожлантириш мақсадида бизнес субъектлари ривожланиш тенденцияларини акс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритмлар мажмуини ишлаб чиқиш, фаолият самарадорлигини баҳолаш, рақобатбардошлик стратегияларини қўллаб, ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш моделларини тузиш, кичик бизнеснинг кооперацион алоқаларини шакллантириш, соҳани янада жадал ривожлантириш бўйича илмий асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмокда.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръатларини намойиш этишда давом этмоқда. Бу шуни англатадики,

барча соҳаларда (савдо, қурилиш, саноат ва бошқалар) бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий массасидаги маълум бир қисми, бу ҳолда уларнинг ярмидан кўпи айнан ўша кичик фирма ва корхоналар томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрсатмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари ҳажми**

| Кўрсаткичлар | 2010 | 2020 | 2021 | 2022 | 2022 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|
| Саноат (млрд. сўм) | 10132,9 | 103020,8 | 121719,2 | 142611,7 | 132478,8 |
| Қурилиш (млрд. сўм) | 4163,2 | 63866,6 | 77762,0 | 93620,8 | 89457,6 |
| Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд. сўм) | 31900,4 | 253238,2 | 307280,2 | 347222,0 | 315321,6 |
| Хизматлар (млрд. сўм) | 15214,1 | 114052,7 | 144812,7 | 173157,7 | 157943,6 |
| Бандлик (минг киши) | 8643,9 | 9865,7 | 10070,7 | 10275,7 | 1631,8 |
| Савдо (млрд. сўм) | 18616,1 | 164106,1 | 204787,4 | 253573,4 | 234957,3 |
| Юк ташиш (млн. тонна) | 255,2 | 638,9 | 678,9 | 588,1 | 332,9 |
| Юк айланмаси (млн. тонна-км) | 6084,5 | 12304,6 | 13108,1 | 14394,9 | 8310,4 |
| Йўловчи ташиш (млн. йўловчи) | 3084,5 | 4904,8 | 5237,6 | 5606,0 | 2521,5 |
| Йўловчи айланмаси (млн. пасс.км) | 67874,1 | 107766,7 | 114681,5 | 123882,5 | 56008,4 |
| Экспорт (млн. АҚШ.дол) | 1782,8 | 3100,9 | 3711,2 | 5696,2 | 3913,4 |
| Импорт (млн. АҚШ.дол) | 3287,9 | 10943,3 | 12389,0 | 15154,1 | 11866,2 |

Жадвалда келтирилган статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари бўйича 2010-2022 йиллар давомида энг юқори даражада ўсган тармоқ бу қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси 2022 йилда 2010 йилга нисбатан 315321,6 млрд. сўмга ошиб, 347222,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Ундан кейинги юқори қиймат савдо соҳасига 2022 йилда 253573,4 млрд. сўмга (2010 йилда 18616,1 млрд. сўм) етди. Бу борада албатта, бошқа барча тармоқларда ҳам ўсишга эга бўлганлиги кузатилди.

Ушбу натижаларга эришишда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини кафолатлаш, уларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган механизмини жорий қилиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш ресурсларидан фойдаланиш

имкониятларини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар энг муҳим омиллардан бири бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозор ислоҳотларини амалга оширилишини таъминлаш мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш даражасига боғлиқлиги кўриниб турибди.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш натижасида кичик бизнес субъектларининг фаолиятида ижобий томонга жиддий силжишлар кузатилди. Ишбилармонлик муҳитини кенг ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилиши, улар ўртасидаги соф рақобат муҳитини кенгайишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифатининг ошишига, умуман, кичик бизнес субъектлари ўзаро иқтисодий муносабатларининг диверсификация бўлишига олиб келди. Бугун кичик бизнес корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари, кийим-кечаклар, электротехника воситалари каби кенг турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда, замонавий хизматлар кўрсатмоқда.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиёти натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улуши ортиб бормоқда. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

## Литература/Адабиётлар/ References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 28.01.2022 йилдаги ПФ–60-сон Фармони, https://lex.uz/docs/5841063.
2. Smith, A. (1776/1979), An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, London: Methuen and Co.
3. Schumpeter, Joseph A. (1949), «Economic theory and entrepreneurial history».
4. Landström, H. (2005), Pioneers in Entrepreneurship and Small Business Research, New York: Springer.
5. Hoselitz B.F. (1954) The Early History of Entrepreneurial Theory Exploration in Entrepreneurial History.
6. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.
7. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм), Т. – «Меҳнат», 2000. – 347 б/.
8. Хаджимуратов А.А. Предпринимательство: Сущность и основные компоненты. – СПб.: Изд. Санкт-Петербргского Университета Экономики и финансов. 1995. – 73 б.
9. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. – 49 б.
10. Комов А. Анализ системы кредитования реального сектора экономики. // Русское экономическое общество. 2013. №141. С. 8.

11. Аганбегян А. Г. Модернизация реального сектора экономики // Деньги и кредит. 2010. № 3. С. 6.
12. Власовой В.М. Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория: Учебное пособие. – М.: «Финансы и статистика», 2012, – 192 с.
13. Цветова И. Опыт Японии: политика стимулирования малого бизнеса. /Инвест-вести/, 2009. №10-11. С.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).